

ЎЗБЕК  
ХАЛҚ  
ИЖОДИ

дostonлар:



# Маматкарим



ФОЗИЛ ЙУЛДОШ УҒЛИ

Езиб олувчи  
*МАҲМУД ЗАРИФОВ*

Нашрга тайёрловчи  
*ҲОДИ ЗАРИФ*



**М**

аматкарим полвон уруғи Қўнғирот бўлиб, Жомбойда, Бекат қишлоғида туғилган эди. Маматкарим шундай кучли бўлди: тегирмон тошини бир қўли билан кўтариб турарди... Амалдор, сипоҳи, қози, мингбошиларни кўрса, обрўйли одам, деб пийманиб турмас эди, бойларни ҳам сира ҳурмат қилмас эди, сўзига қулоқ солмас эди. Бозор-ўчарга борса ҳар нима топганини камбағалларга харажат қилиб, ўттиз-қирқ хамбағалнинг вақтини хушлар эди. Бойлар: «Бу бизни беобрў қилади, пул билан алдаб, биногдор қилиб, ихтиёримизга кўндириб олсак»,— дер эди. Бойлар одам қўйиб чиқарса, бормас эди, ҳеч писанд қилмас эди, ўз билганидан қолмас эди.

Кунлардан бир кун Жомбойда Қуёнчи уруғидан Эшматбой Маматкарим полвонга йўлиқиб қолди. «Бунга насихат қилай» деб, бир сўз айтиб турган экан:

Маматкарим қулоқ солгин сўзима,  
Бир насихат айтай сенинг ўзингга,  
Сени полвон дейди, кўп ҳурмат қилиб,  
Ҳеч ким сўйлай олмас сенинг юзингга.

Ўзинг эр йигитсан, юришинг пастди(р),  
Бойларман турмоққа қилгинг хавасли.  
Отанг камбағал, ўтиришинг нокастди(р)  
Исқирти камбағал жонингга басди(р).

Узинг ҳайрон, лекин полвон зўрабор,  
Камбағалман суҳбат қурмоқ на даркор?

Йигит халқи баланд парвоз бўлмасми?  
Уздан голибман суҳбат қилмасми?!  
Бойлар сенинг етагингга юрмасми?

Шундай бўлиб бу элатда юрасан,  
Камбағалнинг барин йиғиб оласан.  
Ҳисобда йўқ одамман суҳбат қиласан,  
Сен уларни одам сонда кўрасан.

Улфатларинг бойнинг хизматин қилган,  
Кунин ўтказолмай ғам тортиб юрган,  
Уйлагин, сўзимда йўқдир ҳеч ёлғон,  
Қози, мингбошилар бу ҳазар қилган.

Бундай бўлсанг, халқ қилади маломат,  
Узинг бир режали, билгин, азамат,  
Бу ишингдан сенга йўқдир манфаат.

Биз билмаймиз қандай гапни ўйладинг,  
Бойлар билан амалдорни қийнадинг,  
Сатта камбағалга яхши сўйладинг.

Мен биламан ажаб жўраларинг бор,  
Ўз ҳисобин топмай юрган баччағар,  
Улар сенга нима вафо кўрсатар?!

Насиҳат айладим бу замон сенга,  
Кўнглингда борини гапиргин менга.

Бойлик қилиб юрсанг мана элатдир,  
Бошингдан кўтаргин ғаму кулфатни,  
Яёв бўлсанг берай бир яхши отни,  
Бойлар билан бунда қилгин суҳбатни.  
Ўйла, бу юришинг сенга уятдир!

Дунё даркор бўлса бойлар беради,  
Фарзандидан сени зиёд кўради,  
Сендай эр йигитлар элатга даркор.

Полвонлик номингда кўп мартабанг бор,  
Сенинг юришларинг мартаба топар;

Қози, мингбошилар сенга интизор,  
Ўзини билмаган дод арвоҳилар,  
Соп улфатинг сени камбағал бўлар,  
Бу ишингни халқ кўп уят қилар.

Мазгилимга сени олиб борайин,  
Олиб бориб, яхши сарпо берайин,  
Дунё даркор бўлса қўлингга бериб,  
Бир уруғмиз, сени ўғил қилайин,  
Камбағалсан сенга бир от миндириб,

Энди сени шодмон қилиб кулдириб,  
Ўғлим дейин иззат, обрўйинг қилиб.

Бу сўзни эшитиб Маматкарим айтди:— Бойликка мағ-  
рур бўлиб, қорнинг эгарнинг қошини босиб, отинг билан  
тўнингни мақтагани келдингми? «Улфатларингдан, бирга  
юрган одамларингдан нима [манфаат] оласан»,— деб наҳ  
урма! Бойлик ҳамиша ўзингда турарини билдингми? Бу  
кўчманчи дунё, шу вақтгачайин сенда турса, энди оғишиб  
камбағалларда ҳам турар. Оту тўн бериб, сен бизни бой  
қилма! Ишқилиб камбағалларни ишлатиб, дунёни кўпай-  
тиб, бой бўлмоғингни билдинг. Навбати келган вақтда  
бойликнинг натижасини кўрасан. Сен насиҳат этиб, бизни  
йўлга солма! Юрар йўлимизни ўзимиз биламиз,— деб икки  
оғиз сўз айтиб турган экан:

Сен менга айлама бунча насиҳат,  
Ўз йўлингга бора бергин, Эшмамат!  
Ҳозир бойсан сен ҳам элда саломат,  
Вақти билан бўлар сенга қиёмат...

Камбағал, қашшоқни наҳ уриб келдинг,  
Бойликнинг дамасин бизларга қилдинг.  
Не ўй билан менга насиҳат қилдинг,  
Бор энди, йўлингдан қолма, Эшмамат!

Камбағаллар бунда ғаму кулфатда,  
Улар бизнинг билан бирга улфатда,

Сенинг эшигингда қанча хизматда,  
Сен бойсан-да, бу аркони давлатда.

Сен сўйласанг, келар кучу қувватим.  
Роҳат бўлар бир кун менинг меҳнатим,  
Қолсин энди у катталик одатинг.

У, қўлингда жафо кўрган камбағал.  
Айтиб ҳақин ололмайди йўқсуллар,  
Ишлатиб, ҳақиға мункир баччағар!..

Энди сен сўйласанг изза қиламан,  
Отингдан ағдариб, ерга ураман,  
Ўзинг ўйла, майда-майда қиламан,  
Бор энди йўлингга, боргин, Эшмамат!

Маматкарим дейди менинг ўзимни,  
Аччиғлансам ўйиб икки кўзингни,  
Сарғайтарман сенинг гулдай юзингни!..

Яхши сўйлаб мени йўлга солмагин,  
Йўлдан адашган деб гумон қилмагин,  
Кетгин энди, бу ерларда турмагин!

Бу сўзни Маматкаримдан эшитиб, тарзига қаради, пол-  
воннинг ғужури келган, ғидиришига гапириб турган. Кўнг-  
лида айтди: «Бунинг гапини қайтарсанг, бу отнинг жиловидан  
ушлар, отдан ағдариб олиб, халқ ўртасида мени беобрў  
қилиб, тешиб, уриб шарманда қилар. Бунинг қўлини ушла-  
моққа қувватинг келмаса, гапингга қулоқ солмаса, беобрў  
бўлгандан, кетган яхши».

Қайтиб келиб дўконига тушди. Хизматчиси бойнинг  
отини ушлаб, остига либос ташлаб:— Бой бобо, қаёқдан  
келдингиз?— деди. Эшмамат бой айтди:— Мен Маматка-  
римга йўлиқдим, «катталарни бундай беобрў қилма»,— деб  
насиҳат қилдим. Менинг берган насиҳатимга отдан ағдариб  
олиб урадигандай [бўлди]. Бу ёмон бўлган экан.

Шунда қошида хизмат қилиб турган одамлар:— Ҳали  
ҳам сизнинг юрагингиз бор экан, унга ким гапирса олади.  
У кўнглига маъқул бўлганини қилиб юради. Энди униңг  
қошига борманг. «Юртнинг эгасиман»,— деб юрган амал-

дорлар қанча қўрқади. Ўзининг тоғаси — чўроғаси мингбоши қандай қўрқади. Сийласа, ўзининг тоғасини сийлар эди-да, ўз тоғасини билмаган одам сизни биладими? Ҳали ҳам беобрў бўлмай яхши келибсиз.

Маматкарим уйга қайтиб кетди. Қишлоғида ўзининг жўралари билан ҳангома қилиб юриб эди. Орада уч-тўрт кун ўтди. Жомбойнинг бозори бўлди. Маматкарим, Суяркўз деган жўраси билан иккови икки чўбирни миниб бозорга жўнади. Сарбозордан ўтиб, бозор жойга етиб кела берди. Гузари мингбошихонанинг қошига тушиб қолди. Кўрди: мингбошилар бешта-ўнта одамларнинг қўлини орқасига бойлаб, дарахтга бойлаб қўйибди. Йигитларининг қўлида қамчи тенгсалиб айланиб, «Пошшоликнинг ҳақини бермаган киши шундай азоб, уқубат кўради»,— деб гапириб турибди. Шу вақтда бир хизматкори: «Суяркўз билан Маматкарим келаяпти»,— деб мингбошига хабар берди. Мингбоши — Маматкаримнинг тоғаси, одамларига бу сўзни айтиб турибди:

Эшитинглар мингбошининг тилини,  
Чечиб қўйгин бойловлининг қўлини.  
Эшитинглар энди сўйлаган додни,  
Маматкарим бунда яқинлаб кепти,  
Ҳаялламай дарров опкелинг отни,  
У жувонмарг кўрса ғовур қилади.  
Мингбоши деб бизни аяб қўймайди,  
У бизларга қаттиқ ташвиш беради.  
«Сен буларни нега бойладинг»,— дейди  
Шарманда қип, балки бизни уради.

Биз унинг қўлига тушиб қолмайик,  
Ҳаяллаб балого дучор бўлмайик,  
Отланиб биз, бўлак йўлман жўнайик,  
Жувонмаркка биз йўлиқиб қолмайик,  
Эл ичинда шарманда бўп юрмайик.

Дафтар-паптарларни хуржунга солгин,  
Ҳамманг ҳам кетмакнинг пайида бўлгин.  
Ҳеч қайсинг уларга дучор бўлмагин,  
Мени билмаганда кимни биледи,  
Қора куч-да, худо берган балоди(р).



Шунда барин ақли шошиб қолади,  
Хар ким ўз бошига бўлиб қолади.  
Бойловига қарамайди йигитлар,  
Отланиб туш-тушга қочиб боради,  
Мингбоши ҳам бундан қочиб жўнади.

Бозорда одамлар ҳайрон қолади,  
Бу сирларни бир нечалар билади,  
Билган билмаганга сўйлаб туради:  
— Бу Жомбойга Маматкарим келди, деб,  
Энди билгин бозор ғалва бўлди, деб,  
Дўму мингбошилар бу ерда бўлса,  
Кўриб қолса, армон билан ўлди, деб.

Мингбошилар кушандаси келди, деб  
Ўз бошин қутқариб, йўлга кирди, деб  
Аҳмад соқов қочиб кетиб боради,  
Билмайди кейнидан келгандай бўлиб,  
Амалдорни сира кўрган йўқ полвон.  
Кетди булар бу бозордан қутулиб.

Маматкарим мингбоши ўтирадиган ерга энди етди.  
Бойловли одамларни кўриб бир-икки оғиз савол сўраб тур-  
ган экан:

Қандай одам сенга қилди зулми?  
Кенг бозорда ким бойлади қўлингни?  
Ҳеч ким сўрамабди сенинг ҳолингни?  
Отдан тушиб, мен чечайин қўлингни.  
Бой ҳам мингбошилар элни жойлаган,  
Камбағални шундай қилиб қийнаган,  
Қамчи уриб, сенинг қўлинг бойлаган.  
Маматкарим «гуноҳкорни» бўшатди,  
Бойлаган баччағар қаёққа кетди?  
Агар кўрсам қилар эдим ишини,  
Тошман уриб янчар эдим бошини.  
Мингбоши — тоғам деб ҳурмат қилмайман,  
Агар кўрсам ўз ҳолига қўймайман.  
Сизларга зolimнинг қамчиси ўтди,  
Сизларни бойлабди, менга кўп ботди,

Давлат сиёсатин бизга кўрсатди.  
У сизларни нега гуноҳкор дейди?  
Бировинг бировнинг молин олдингми?  
Е бўлмаса ўғри, каззоб бўлдингми?  
Ўғирликдан гуноҳкор бўп қолдингми?  
Е сен бир тухматга дучор бўлдингми?  
Қилган ишинг менга хабар бер эмди!

Бу сўзни эшитиб жавоб берди:

— Ўз ишимиз билан бозорга келдик,  
Ҳеч билмайман қандай бир гуноҳ қилдик.  
Қамчи уриб, сиёсат қип, бизларни  
Ҳайдаб келди мингбошининг қошига.  
Мингбоши: «Қўлларин бойлай бер!»— деди.  
Сиёсат қип, «бақияни<sup>1</sup> бер!»— деди,  
«Бермаса буларни бойлаб, ур!»— деди.  
«Мингбоши айтмайди сизларга ёлғон,  
Бултур берадиган ўлпондан қолган.  
Қарз бўлиб бўйнингда бултурдан турган,  
Дўминг қафтасини<sup>2</sup> бизларга берган.  
Бергин»,— деб бизларни бойлаб кўп урган.

Йилда топганимиз бизлар берамиз,  
Сира қарздан қутулмайин борамиз.  
Солиқ, ўлпон тўлаб яланғоч қолдик,  
Яна бизлар бундан жабр кўрамыз.

Дўм, мингбоши эшитмайди зорингни,  
Қўлга тушсанг, қуритади шўрингни.  
Ҳеч нима топмаган камбағал бўлсанг,  
Соттиради кийиб юрган тўнинггни.

Сарғайди бу юртда гулдайн дийдор,  
Йўқчиликдан доим бўлди «гуноҳкор»,  
Бола-чақа, биз ҳам элда рўзгордор,  
Бу болалар устимизда доим бор.

Камбағаллар овқат топар, еёлмас,  
Сипоҳилар от-анжомли шағал маст,

<sup>1</sup> Боқимондани.

<sup>2</sup> Квитанциясини.

Камбағал, деб ҳеч кимга раҳм қилмас,  
Дунёда бойларнинг кўп хотири бор,  
Ким камбағал бўлса, бўлган гуноҳкор.

Бу сўзни эшитиб Маматкарим айтди:— Шуларнинг айтгани рост. Давлат, ер-ускуна бойларнинг қўлида. Ҳеч кимнинг на дўм, на мингбоши, на бойларга «пошшоликнинг ҳақини бер», деб гапириб турганини эшитмаймиз. Ҳамиша кўрамиз, ўтирар ўрнининг тайини йўқ камбағаллар уларга гуноҳкор. Роҳатни бойлар кўради, азоб-уқубатни булар тартади. «Буларнинг нимаси бор, нима берсин, булар ҳам бола-чақаси билан кун кўрсин»,— деб сира эсига келмайди. Бу амалдорларнинг қошига кирайин, бир тортишиб кўрайин,— деб отини бойлаб, ичкари кирди. Қаради, ҳеч кимни топмади. Қайтиб чиқиб:— Бу ерда ҳеч жонзод йўқ, сизларни жин бойладими?— деди. Бозорга келган одамлар йиғилиб турган эди. У одамлар айтди: «Полвон бозор келибди», деб эшитди. «Бизга бир ташвиш беради», деб туш-тушига отланиб кетди.

Бу сўзни эшитиб, гўрда бўлса топиб оларман уларни, деб отини миниб, маст бўлган нордай кўпик сочиб, бу сўзларни айтиб амалдорларни ахтариб бораётибди:

Фалак менинг баҳоримни хуш этди,  
Сипоҳи баччағар қаёққа кетди?  
Ҳеч билмайди, унинг ўлими етди,  
Камбағалга оша ташвиш берибди.  
Тоғам бўлса, топсам қилай ишини,  
Майдалайин баччағарнинг бошини.  
Қашшоқлар сўзига қулоқ солмади,  
Сира бунинг катталиги қолмади,  
Қариганда ўларини билмади.  
Камбағал-йўқларни писанд қилмади.  
Қайда қочиб, у имонсиз қутулди?  
Отин қичаб, ҳар бир кўчани қараб,  
Қаерга кирди, деб ҳар кимдан сўраб,  
Бозор келган одам ҳайрон қолади.  
Бир талатўп ҳар ким ҳар ёнга қараб,  
Ҳадик олиб, бу элатнинг бойлари,  
Кўринмайин четлаб кетиб боради.  
Бу бозорда «катта» одам қолмади,

«Йўлиқса одамнинг бағрин эзар»,— деб  
Туш-тушига бойлар қочиб жўнади.  
Кеч пешингачайин ахтариб юрди,  
Амалдор бойлардан сира кўрмади.

Келиб бир самоварга тушди. Бозорда одамлар самоварга тушганини кўриб, бир хили Маматкаримнинг ишига суюниб, бир хили билдирмай ичидан куюниб, самоварга жами камбағаллар йиғилиб келди. Бир хил одамлар чет ёқада шипир-шипир гап қилиб турибди: «Бундан қўрқиб, бойларнинг бари бозордан чиқиб кетди. Энди бунинг келиб самоварда қўниб, гаплашиб ўтирган одамларига қара, ўз йўлини ўзи топиб юролмаган, бойларнинг орқасидан эргашиб юриб кун кўрган одамлар унинг жўраси».

Бундан Маматкарим беҳабар. У, ўз жўралари билан нима билан димоғи чоғ бўлса, шуни гаплашиб ўтиради. Шунда самоварда ўтириб, ўз улфатларига икки оғиз сўз айтиб турибди:

Улфатларим, ўтган дами дам дема,  
Камбағалман деб сира ҳам ҳам ема,  
Бойларнинг сўзини сен маъқул дема,  
Кетсин ўз йўлига, ҳеч қулоқ солма.  
Бугун кечга мен ҳам уйга борарман,  
Эртан бориб Самарқандга кирарман,  
Мен уч-тўрт кун шаҳр ичида юрарман.  
Бир яхшилик сўзлар бордир орада,  
Билганим сизларга хабар берарман.  
Золим бойлар энди навбати ўтар,  
Камбағал, йўқсилнинг навбати етар,  
Иттифоқ бўп бирга бўлинг, йигитлар!  
Бой экан деб қўрқиб, ҳурмат қилманглар.  
Амалдорни раъя қилиб турманглар!

Бу сўзларни энди шу замон айтди.  
Самовардан туриб тарқашиб кетди,  
Бозор-савдосини қилиб халойиқ,  
Кун кеч бўлди, деди, мазгилга қайтди.  
Маматкарим миниб у замон отни,  
Сарапта гўшини бозордан олиб,  
Бу бозордан чиқиб жўнади кетди,  
Қистади отини уйига етди.

Энаси Маматкаримнинг қошига келиб:— Йигит бола-сан, болам. Тоғанг сендан додқа булибди. Неча вақтдан бери юртнинг каттаси бўлиб, элу халқ иззат-ҳурмат қилиб келган одам. «Мўлтонидан ботир чиқса, чотирга қараб от қўяр»,— дегандай, сен тоғангга қараб тиг тортиб, қўймайди эмишсан. Сен сийласанг, ҳар ким сийлайди; сен беҳурмат қилсанг, кимлар қилмайди. Бугун бозордан қочиб кебди. Суяркўз билан икковинг бозорни бузган эмишсан, одамларга томоша бериб, бепул маймун бўлиб юрганингдан, жўн юрсанг бўлмасми?— деди. Маматкарим энасига қараб икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Тоғам учун, эна, хафа бўлмагин,  
Биламан тоғамнинг гуноҳи тошган,  
Неча йилдан бери бўлиб мингбоши,  
Қурусин у тоғам ҳаддидан ошган,  
Унинг учун хафа бўлма, энажон.

Бу юриши ўз бошига балоди(р),  
Бировнинг қўлида тайин ўлади,  
Ўзидан ўтган ишни қандай қилади,  
Мудом кўнгли манманликда туради,  
Ҳозир билмаса ҳам сўнгра билади.

Шу бугун бозорда бир иш қилибди,  
Камбағал ёзганни бойлаб урибди,  
Ким «зўр» бўлса, жазосини бераман,  
Камбағал ночорнинг тани бўламан.

Шу бугун бозорни юриб изладим.  
Кўринмай қутулиб кетди саломат.  
Бирон жойда агар қўлима тушса,  
Мен тоғам, деб сира қилмайман ҳурмат,  
Омон бермай, қилар эдим қиёмат.

Мингбоши мазгилида ўтириб, Усмон қозини айтириб бориб, ҳар қишлоқдан бой-бадавлатларга хабар қилиб, оқшом билан меҳмонхонада йиғилиб, «Эндиги маслаҳат нима?»— деб, Усмон қозига қараб бир ўйлаб маслаҳат беринг, деб сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Маматкарим, билгин, менинг жияним.  
Унда раъя, ҳеч андиша бўлмаса,

Вақти етиб, бу жувонмарг ўлмаса,  
Одамларни ўз ҳолига қўймаса,  
Қочиб келдим кеча Жомбой бозордан,  
Мен тушмадим жувонмаргнинг қўлига,  
Юролмаймиз қорадарахт элига.

Катта деб, ҳеч кимни ҳурмат қилмайди.  
Бою амалдорни писанд қилмайди...  
Доду бедод Маматкарим дастидан,  
Эл ичида одам туриб бўлмайди.

Бою сипоҳига берди озорни,  
Кеча чўртта бузиб келди бозорни.  
Усмон қози, энди сизда ихтиёр,  
Бу иш қандай бўлар, беринг хабарни.

Бу жувонмарг ўз билганидан қолмас,  
Сўзидан қайтмайди бу — мисли олмос,  
Хоҳ ўрус, хоҳи бўлса мусулмон,  
Амалдор деб писанд қилмас бу замон.  
Катта-кичик бунда турган жамоат.  
Баринг ўйлаб, менга бергин маслаҳат.

Жуда бу жувонмарг зарбаси ўтди,  
Манманликдан оша бизни ҳоритди.  
Бизга, ўзга бойга омон бермайди,  
Ҳеч қайсига бир мурувват қилмайди,  
Ҳаммаси ҳам турмай бозордан кетди.

Бу сўзни эшитиб у ўтирган бойлар:— Биз, сиз кетгандан кейин бунинг авзойи ёмон билдик, бизлар ҳам шундан ҳазар қилиб, кўзига тушмай кетайик, деб бозорда турмай кетдик,— деди.

Усмон қози бу сўзни эшитиб:— Маматкарим билан биз қўнғшимиз<sup>1</sup>, ҳам ўзимиз қариндошмиз. Худодан Маматкаримча қўрқсак агар, валиюллоҳ бўлар эдик. Сиз мингбошисиз, эртан Маматкарим шаҳар боради, уни гуноҳкор қилиб, бу ердан Самарқандга [бирова] ҳайдаб боролмайди. Ўз оёғи билан Самарқанд борган вақтида сиз приставга, ҳокимга хат қилсангиз, ўтирган ерида босиб, олиб бориб қамаса, кўзи ўрнига тушиб қолар.

<sup>1</sup> Қўшнимиз.

Бу сўз ҳаммасига маъқул тушди. Маматкаримдан ўтган зарбни ариза қилиб, бойлар қўл қўйиб, Самарқандга жўнатди. Кўнгилни бирлаб, ҳар қайсиси ўз мазгилига кетди.

Эрта-мертан тонг отди. Маматкарим отланиб, топиб минди бир чўбир отди, бу сўзларни кўнглида айтиб, Самарқандга қараб йўл торти:

Хотирим бўлма паришон,  
Бир яхшилик бўлар нишон.  
Бойман бирга сипоҳилар,  
Бунинг бари бизга душман,  
Ҳеч яхшилик қилмас нишон.  
Йўртиб юрган бу йўлларда  
Минган отим-чўбир ҳайвон.  
Бу сўзни айтиб, чу, деб кетди,  
Бул Галакападан ўтди,  
Қорадарахт ер-да, обод,  
Етиб борди бундан Равот.  
Зарафшондан кечиб ўтди,  
Чўпонота тоққа етди.  
Сиёб тарафга энкайиб,  
Маматкарим бораяпти.  
Қанча жўралари кўриб,  
«Полвон, отдан қўнинг!»,— дейди,  
«Бугун бунда туринг»,— дейди,  
«Бир майдон гап беринг»,— дейди.

Нечовлар кўнглини хушлаб,  
Отнинг жиловини ушлаб.

— Қайда бўлса борасиз-да,  
Кечки қўноқ бўлсангиз-да,  
Ҳамма ерда ёру дўстинг,  
Сизнинг билан бирга турган,  
Элда не гап бордир билган,  
Камбағалга ёрдам қилган.  
Сиртингиздан камбағаллар  
Омонликни тилаб турган.  
Қандай бўлса қўниб ўтинг,  
Бир маслаҳат бериб кетинг.

Бу сўзни эшитиб, Сиёбда у кеча қўниб ётди. Бунинг суҳбатида бой, амалдор бўлмайди. Ўзининг жўралари би-

лан кайфу сафо қилиб ўтирди. Бешта-ўнта улфатлари билан эртанига шаҳарга тушиб кетди. Бир ерда вақтини хушлаб, ўз одамлари билан ўтириб эди. Пристав, ҳокимларга мингбошининг қоғози тегиб, Маматкарим қўниб ўтирадиган ерларга билдирмай одам қўйган эди. Бундан илгари ҳам, Маматкарим томонидан шаҳарда неча ғалвалар бўлган эди. Маматкаримнинг номидан ҳокимлар ҳам қўрқиб, олдига келолмай юрган эди. Шунда келиб, Самарқандда ўтирганининг хабари тегди... Газармадан ўнта саллот олиб келиб, ҳаммаси бир қўлида милтиқ, бир қўлида қилич билан Маматкарим бежавотир ўтирган вақтида бойлаб олди. Бу ишни кўриб, шаҳар халқи: «Бу қандай воқеа бўлди? Полвонни қўлга қаттиқлик билан туширди, буни отади, бу опкетишида сира ҳам бўшатмайди, нима воқеа эканини билмадик»,— деб қолди. Шунда Маматкаримнинг ҳайдалиб бораётгандаги сўзи:

Сўз сўйласам сен оларсан қиёма,  
Мард йигитлар ўз сўзидан тояма?  
Армон билан тушдим сенинг қўлингга,  
Душманлар, билганинг қилғил, аяма!

Ҳозир забун билдинг менинг ҳолимни,  
Армон билан бойлаб олдинг қўлимни,  
Нима қилсанг, золим душман, қил энди!  
Хоҳи ёндир, хоҳи куйдир, бўл энди!

Бойласанг ҳам, мен қайтмайман тилимдан,  
Мен тоймайман юрадиган йўлимдан!  
Не иш келса аямагин қўлингдан,  
Мени ҳайдаб қаерларга элтасан?!

Маматкарим банди бўлиб боради.  
Саллотнинг ҳайдашин кўриб халойиқ:  
«Оғир ишман буни ҳайдаб борар»,— деб,  
«Эсиз йигит, армон билан ўлар»,— деб  
Бир нечаси: «Келар,— дейди,—қутулиб».

Ҳамма қарар банди бўлган кишига,  
Ақли ҳайрон саллотларнинг ишига,  
Банди қилиб, ҳайдаб бориб шу замон,  
Яқинлади миршабхона қошига.



Шаҳар гулгуладир овозасига,  
Саллотнинг ҳайдаган андозасига.  
Шундай қилиб саллот Полвонни ҳайдаб,  
Етди миршабхона дарвозасига...

Саллот ҳайдаб миршабларга топширди,  
Келган йўлга энди саллотлар қайтди.

Шунда миршаб, шабгардлар:— Полвондан гап олайик, булар қўрққанидан жуда маҳкамлаб олиб келди, нима воқеа бўлди?— деди. Маматкарим айтди:— Мен ҳам билмадим. Ўтирган еримда бехосдан банди қилиб олди. Буларнинг ҳайдовига қараганда, мени бу ерга олиб келади деган ҳаёлимда йўқ эди. Мен, булар ё отади, ё бир юртга ошириб ҳайдаб кетади, деб эдим. Аввалги иш тутуви қаттиқ эди, миршабхонага ҳайдаб келиб, охири бўшаб кетгандай бўлди.

Саллотлар берган қоғозларини миршаб кўриб:— Уч кун мингбошининг ҳукми, беш кун приставнинг ҳукми, етти кун ҳокимнинг ҳукми, ҳаммаси йиғилиб, ўн беш кун қамоққа ҳукм қилибди. Ўн беш кун ўтади кетади, ҳеч гап эмас,— деди.

Маматкарим бу хатдаги хабарни эшитиб, бир сўз айтиб турган экан:

Жабр кўрар ширин жоним бу танда.  
Ўн беш кунда чиқиб борсам элатга,  
Қўлин қўйган бойлар бўлар шарманда.

Билдим, «Ўлар ҳўкиз болтадан тоймас».  
Тоғам мингбошидир, жўнлигин қўймас,  
Ўлганча ўрғин бермай ўтади,—  
Чиқиб борсам, нима жавоб айтади!...

Ўн беш кун деганинг оғир юк эмас,  
Ўйлаб турсанг, йигитликка гап эмас.  
Туз-насиба тортиб, бу ерга келдик,  
Банди бўлиб, миршабхонани кўрдик.

Банди бўп шу кеча бу ерда ўтди.  
«Маматкарим миршабхона бўлди»,— деб,  
Шаҳр ичинда ёри дўсти эшитди...

«Маматкарим миршабхона [да банди] бўлди», — деб эшитиб, шаҳар тевараги: Найман, Сиёбдан ёр-дўст, оғайни кўп, кети узилмай кўргани келяпти. Келган қуруқ келмайди, ошу гўшт, нон, ҳолва уюлиб ётди. Миршабхонада оч-тўқ ётган одамлар ҳамма бирдай еб ётди. Ҳар кун аҳвол шундай. Уч ойлик, икки ярим ойлик ётган бандилар ҳам овқатни уряпти. Миршаблар ҳам полвонни ҳурмат қилади. Ичкари кирса, ҳадди йўқ, эшигини ёпмайди, ўз кайфи машғулотида ўтириб, туриб юраверди...

Ун беш кун ўтди.

Бу ҳурматли Полвон навбати битди,  
Энди кетар вақти яқинлаб етди...  
Неча сўзни бунда Полвонга айтди,  
Оқшом ётиб, эрта-мертан тонг отди.  
Омонлашиб энди Полвон жўнади.

Ҳар иш тушар, билинг, марднинг бошига,  
Борсам дейди жўраларин қошига,  
Етишмакчи бўлиб тенгу тушига.

Бораётир Маматкарим, бу замон  
Миршабхона бўлиб, чиққандир омон;  
Самарқандда кўпдир бунга қадрдон,  
Бандиликдан озод бўлгандир Полвон.

Маматкарим шаҳарга чиқиб оралади. Қадрдон одамлари, гапи-сўзи бир бўлиб юрган, қамалганда ҳам кўп хизмат қилиб турган ёр-оғайнилари Маматкаримни кўрган, эргаштириб мазгилига олиб борган. Шаҳар бойлари ҳам сипоҳилари Маматкаримни кўрганда, бир катта илонни кўргандай бўлиб қолган. «Нима гап бўлди, шунча сиёсат билан, саллот билан олиб бориб қамаб, ҳеч нима бўлмай дарров чиқиб келди. Бизнинг амалдорларимизнинг қуввати кетиб, кейини бўшаганга ўхшайди», — деб бойлар Маматкаримнинг орт-сиртидан гап қилиб ётди.

Шу кеча Маматкарим шаҳар ичида туриб, эрта билан жўралари Сиёб ёқасига ияртиб келди. Бунда меҳмон бўлди. Маматкаримнинг келганини эшитиб, дарё ёқасидан, Наймандан, Ярмитуқдан, Ғўлбадан, Уртақишлоқдан — ҳар уруғдан гапи бир ердан чиқиб юрган жўралари келиб, йиғилиб Маматкарим билан ўтириб суҳбат қилди. Шунда

ёр-дўстларига қараб. Маматкарим икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Бою амалдорлар ҳозир бир бўлган,  
Сенинг меҳнатингдан бойиб «зўр» бўлган,  
Меҳнаткашни кўрсанг бари хўр бўлган.  
Сал вақтда бойлар замони ўтар,  
Баччағарлар ўз оёғидан йитар,  
Билмайди, охири йўқ бўлиб кетар.  
Димоғингни чоғлаб ўтир, қадрдон,  
Сал вақтда сенга ҳам навбат етар.  
Амалдорлар хат юборган тўрага,  
Ҳайдаб борди мени миршабхонага,  
Гуноҳкор қип қамаб қўйди Полвонни,  
Қамоқда дуч келдим сиздай жўрага.  
Қамоқда ётганининг кўпи бегуноҳ,  
Ҳасрат билан чекар доим ўтли оҳ,  
«Қачон қутулармиз,— дейди,— зулм, азобдан?»  
«Бизга зиндон бўлди,— дейди,— бу даргоҳ».  
Неча банди билан кўп суҳбат тутдим.  
Сиздай дўстлар билан бирга қон ютдим,  
Кўнглимни кўтарди бир хил бандилар,  
Шулардан айрилмас дўст бўлиб қайтдим.  
Гангитармиз амалдорлар бошини,  
Тўктирармиз зolim бойнинг ёшини,  
Танимади элда мендай кишини,  
Бирлик билан синдиармиз тишини.  
Йиғилиб камбағал суҳбатин тутиб,  
Бир-бирига юрсин ёрдами етиб,  
Бир ёқадан бош чиқарсак, жўралар,  
Қувонармиз биз ҳам мақсадга етиб.  
Баринг қилдинг мудом бойга хизматни,  
Меҳнат қилиб, бойдан кўрдинг тухматни  
Камбағални кўрсанг, очдир, яланғоч,  
Хизматингдан бойлар кўрган роҳатни,  
Баччағарлар жуда ўзидан кетди,  
Бизларга азоби ҳаддидан ўтди.  
Бирикишиб, қилиб туринг хизматди,  
Мардлик билан белни бойланг, жўралар,  
Эгинг қисиб, қўрқиб турмоқ уятди(р).

Бу сўзни турган халойиқ эшитиб, ҳар қайсиси бир-бирига: «Полвоннинг сўзи маъқул, амалдорлар ҳам бурунги-

дай эмас. Бари келкиб қолгандай қуввати кетгандай»,— деб гапириб қолди. Шунда Маматкаримни кўрмоққа келган, у қаерда бўлса, бирга юрган Суяр жўраси бу сўзларни айтиб турган экан:

Маматкарим, эшит менинг сўзимни,  
Сўлдирмагин асли гулдай юзингни,  
Амалдорлар банди қилиб<sup>1</sup> ўзингни,  
Бу ишлар тоғангдан бўлди, бил энди.  
Чўроғаси — тоғанг сенга ғаш бўлди,  
Усмон қози қариндошинг бош бўлди,  
Бойлар тушди, жўра, сенинг изингга,  
Ҳар бир сўзинг бой бошига тош бўлди.

Бош бўлибсан ўзинг қанча кишига,  
Жон берармиз яхшиларнинг ишига,  
Суҳбат қуриб, бизга йўлни кўрсатсанг,  
Биз етармиз золимларнинг бошига.

Ўзинг мардсан, шу йўлингда қоласан,  
Ақли расо, эр йигитсан, доносан,  
Ахир сенинг айтганларинг бўлади,  
Биз биргамиз, душмандан ўч оласан!

Маматкарим айтди:— Қози, миғбоши катта бойларни раъя қилади, шуларнинг йўлидан чиқмайди. Мен ундай «одамшавандани» ночор кишиларнинг бир гапига олмайман. Мен камбағал, эзилиб юрган кишиларнинг ёрдамчисиман. Бизнинг қилиб юрганимиз бойларга қаттиқ тегаётганини баримиз тушунамиз. Камбағаллар бирикиб, бирга ҳаракат қилмасак, буларнинг зулмидан қутулиб бўлмайди. Сизлар ҳам эзилганларни бириктирмоқнинг пайида бўлинглар, мен қаердан яхши гап топсам, сизларга хабар қилиб, билдириб тураман!

Шу кеча бу ерда ётиб, эртанига, беш-ўнта бўлиб, дарёдан<sup>2</sup> ўтиб кетди. Жўралари олиб бориб, уйига қўйиб қайтди. Шунда Маматкаримнинг энаси гаплашиб ўтириб, ўғлига бу сўзларни айтиб турган экан:

Кўрар кўзим, Маматкарим, боламсан,  
Халқ оғзида доим гап бўп юрасан.  
Одамларга мунча озор берасан?  
Катта одам бари сендан домонгир,

<sup>1</sup> Қилибди.

<sup>2</sup> Зарафшондан.

Сен ҳам халқдай тўғри юрсанг бўлмасми?  
Уз йўлингга юрсанг, булар қўймасми?  
Сенга ёқмай менинг сўйлаган сўзим,  
Бўл суянчим, сен ёлғизимсан, қўзим.  
Устингдан гап қилиб ётганмиш элат.  
Эшитганда менга тушар қавосат.  
Беҳуда сен кўтармагин маломат,  
Бир лочинсан, ҳамиша бўл саломат.

Амалдорни кўрсанг изза берасан,  
Катта кишилардан қарғиш оласан.  
Тўғри юргин, сен дилозор бўлмагин,  
Яхшилик қил, ёмонликни қилмагин.  
«Яхшилик айлаган етар муродга,  
Ёмон киши ҳамиша қолар уятга».  
Энангман-да, гапираман, албатта,  
Ёлғиз қўзим сенсан, болам, элатда,  
Устингдан катталар кўп шикоятда,  
Эшитаман, мен куяман, албатта.  
Маматкарим менинг жону дилим деб,  
Чаманда сайраган бир булбулим деб,  
Оқшом ётиб, тилагимни тилайман,  
Омон бўлсин менинг ёлғиз улим деб.  
Болам қулоқ солгин, айтган тилима,  
Тўғри юргин мана<sup>1</sup> ўсган элингга,  
Яхши бўлсанг қайишади ҳолингга.

Бу сўзни энасидан эшитиб, Маматкарим айтди:— Эна, мени нодон билма, бундай насиҳатни қилма. Менинг излаганим яхшилик. Менинг бировга ёмонлик қилмоқ ўйимда йўқ. Мен бадҳаво, манман бўлсам, бойлар билан, қози, мингбошилар билан ўтириб турар эдим. Менинг жўрам — сағиркабир, ебир-есир. Менинг улфатим шу — сен айтган катталарнинг хизматкори. Элга озорни ким бераётир, сен билмайсан-да! Сен айтган катта одамлар сатта ебир-есирни бойлаб урган, азоб берган, бир ҳисса солиқни икки ҳисса, уч ҳисса қилиб элдан олган. Сипоҳиларнинг ишини билмайсанми?! Бу, шуларнинг иши. Ўзинг биласан, бойлар камбағалларни ишлатиб, куннинг иссиғида дам олишга қўймай, бошида қадалиб турган, меҳнатидан наф кўрмаган камбағаллар бойларнинг фойдасига ишлаб юрган. Бойлар

<sup>1</sup> Мана бу.

қиш демай, ёз демай, тиндирмай ишлатиб, қачон «сенинг бола-чақанг бор, шуларга ҳам овқат, кийим-кечак керак»,— деб ҳақ берган?! Камбағал қуруқ азобга эга бўлиб, меҳнатнинг ҳузурини бойлар кўрган. Улар манман бўлмай, мен манман бўламанми?! Бир хил одам шуларга яхши кўринаман, деб хушомадга гапиради, бир хил одам куни учун гапиради, мен нима деб гапираман?! Улар менинг душманам. Менинг кўнглимдаги гап — бойлар ишини ўзи қилсин, меҳнатнинг оғирлигини кўрсин, йўқларни фойданинг йўқ фойдасига ишлатадиган одатни қўйсин. Амалдорлар халққа жабр қилмасин, пошшоликни кўп солмасин, халққа тушган солиқни тўрт ҳисса қилиб олмасин, бунинг устига йўқ нарсага гуноҳкор қилиб, азоб бермасин. Мана, эна, шундай ишларни қилиб, жабр-зулмни ошириб юборгани учун гапираман. Эна, энди айт, менинг сўзим маъқулдайми, ё уларники? — деди.

Энаси:— Болам, сеники маъқулдай, кўр бўлсин,— деб Маматкаримнинг қошидан туриб кетди.

Маматкарим у ёқ-бу ёқ қидириб юриб, Оқтепанинг бозор куни келиб қолди. «Бир Оқтепани томоша қилиб келайин» деб, юган солмай, чўбирининг бўйнидан арқон билан бойлаб, тивит саллани ўраб, пешни кейнига ташлаб, арқоннинг бир учини қамчи қилиб, бозорга уриб кетди. Жомбой билан Оқтепанинг ораси бир тош келади. Кун туш бўлиб, бозор қизиб ётганда, бозорга яқин етди...

Туятортар мингбошиси Мулла Рўзи Одил деган йигитини [ишга] буюриб: «Одамларни тўплаб қайтариб, ҳар қишлоқдан бешта-ўнтани йиғиб кел»,— деб йигитига қараб бу сўзни айтяпти:

Одил, эпчил бўлиб, сен йўлни тўсгин,  
Ўтказма бозорга, кўкайин кесгин.  
Дарёбоши<sup>1</sup> деса сира бормайди,  
Бозор десанг, баччағарлар қолмайди.  
Пошшоликнинг ҳақин сира бермайди.  
Сен яхши сўзласанг, қулоқ солмайди.  
Молдай қип барини қайтариб келгин,  
Қайтмаса, аяма, бошига ургин.  
Бойлаб уриб, пулнинг барин ундиргин.  
Қўймай қайтар келган ёшу қарини,  
Кўнмаганнинг бойла икки қўлини,

<sup>1</sup> Дарё бошидаги тўғон иши.

Пошшоликнинг ҳақи учун оламиз,  
Гаров ушлаб, миниб келган молини.  
Элаб-экчаб барин сўраб кўрайик,  
Қутулгани бўлса жавоб берайик,  
Беролмаса бунда, банди қилайик,  
Азоб берсанг унар, энди урайик.

Одам, одамлардан бўлгин хабардор,  
Олдимизда бунинг бари гуноҳкор.

Одил, мингбошининг хизматин қилди,  
Одамларни тўплаб, қайтариб турди.  
Бир хилини бойлаб, бир хилни урди:  
— Бозор кепсан, пошшоликни берасан,  
Ўлсанг ҳам иложин ҳозир қиласан.  
Пул топмасанг, шу таёқдан ўласан,  
Уриб, ҳайдаб кетиб сени қамаймиз,  
Тўламасанг энди банди бўласан!

Мингбошининг амри билан Одил бу ишларни қилиб  
ётибди, мингбоши бешта-ўнта йирик одамлари билан от  
устиди:— Бозорга юборма, баччағарларни,— деб турибди.  
Маматкарим полвон устига бориб қолди. Одамлар кўрди,  
бозорга келган одамга ҳам ўхшамайди. Отини яйдоқ мин-  
ган, эгар солмаган, арқонини бўйнидан бойлаб, этаги ёйи-  
либ, одамларнинг устига келиб:— Нимага бундай қилиб  
ўтирибсизлар?— деди. Бир хили индамади, бир хили та-  
нимади. Билган одамлар: «Бу— Маматкарим полвон»,—  
деб билмаганнинг қулоғига шивирлади.

Маматкарим бурилиб жўнай берди. Мингбошилар минг-  
бошихонада эшикни бекитиб ўлтирибди: «Маматкарим  
келди, кўзи тушмай ўтиб кетсин-да?»— деб ўтириб эди.  
Маматкарим отидан тушиб: «Одам борми?»— деб эшикни  
аста бир тепди, ҳеч шобир бўлмади. Қайтиб келиб, бой-  
ланган одамларнинг қўлини ечиб, йиғиб қўйган одамнинг  
барига жавоб бериб юборди. Қайтиб бориб, эшикни қат-  
тиқ бир тепди, эшикнинг бир турми синиб кетди. Мингбоши  
билан бирга яшириниб ўтирган одамлари, кўрққанидан  
нарёқдаги эшикдан саройга ўтиб, молларнинг ичига оралаб  
кетди. Шунда Маматкарим Рўзи мингбошини кўриб, бу  
сўзни айтиб турибди:

Мулла Рўзи бери келгин қошима,  
Одам ҳайрон қолар сенинг ишингга...

Олмадайн сўлган, гулдай тарзим бор,  
Сенга менинг сўйлайдиган сўзим бор.  
Сен баччағар аҳволингдан беҳабар,  
Бунча одам нега бўлди гуноҳкор?!

Амалдор кўп от-асбобинг шайладинг,  
Давлатманд бўп яхши кийиб жайнадинг,  
Камбағални йиғиб барин қийнадинг,  
Сен баччағар нима шумлик кўзладинг?!

Энди эшит Маматкарим сўзини,  
Йиғиб опсан камбағалнинг ўзини,  
Сарғайтириб бунинг гулдай юзини,  
Зор йиғлатдинг ўғли билан қизини,  
Йўқ нарсага банди қилиб ўзини.

Сен қўймабсан бозор келганларини,  
Гуноҳкор қилибсан ёшу қарини.  
Мен ечиб юбордим унинг барини,  
Додин берсам сендай манманларини.

Амалдорсан, шу қилиқни қиласан,  
Энди шундай қилсанг, билгин, ўласан!  
Қандайин ҳақинг бор, нима оласан?!  
Маматкарим кимдир, тайин биласан!

Бундан бўлай бундай ишларни қилма,  
Одамнинг барисин гуноҳкор билма.  
Гуноҳкорлар ўтирур сен билан бирга,  
Юрмайсан, баччағар, сен тўғри йўлга,  
Ишинг тушар сенинг ўзингдан зўрга.

Мулла Рўзи индамай ерга қараб турибди. Маматкарим неча сўзни айтиб, қайтди, бозорга оралаб кетди. Туриб-туриб Мулла Рўзига бу сўзлар дард қилиб кетди. Қошида турган одамларига айтди:— Бу, Қўнғиротнинг, Қорақалпоқнинг полвони. Бу Жомбой теварагида оёғи етган ерда амалдорларни уриб-сўкиб, обрўли кишиларни беобрў қилиб келяпти. Ўз тарафини — Жомбой даҳасини бузгани озми? Энди бу ёмон бўлди. Туятортар даҳасига ҳам ўтди. Бугун бизга ҳам кўп танбеҳ бериб кетди. Мабодо қўлга тушиб, беобрў бўлиб қолмайлик деб, бошимизни кўтариб гапира олмадик. Бозорда топсак, бир изза берайик, бундан буёқ Оқтепага келмасдай қилайик. Шу туришда қолсак,



бунинг кўкайи ўсиб, бизнинг даҳани ҳам бузади,— деб отини миниб, одамларини бирга олиб, бозорга чиқди. Маматкаримни кўрмай, қаерда эканини билмай био сўз айтиб турибди.

Қорақалпоқ каттаси, бу ёққа келгин,  
Сўз сўзлайин, ҳамманг йиғилиб тургин,  
Нима деб сўзласам, англагин, билгин,  
Асл тентагингининг ҳисобин қилгин.

Маматкарим полвон жинни бўлибди,  
Қайси гўрдан Оқтепага келибди,  
Қанча гуноҳкорга жавоб берибди,  
Яна бизни сўкиб, дўқ қип турибди.

Ўз шаънингга сен ҳам элсан, элатсан,  
Унинг тентаклигин ҳамманг биласан,  
Бойлаб қўймай, нега буни бўш қўйдинг?  
Қандай баринг одамсиниб юрасан.

Сўз эшитгин Мулла Рўзи тилидан,  
Бир тентак чиқибди Жомбой элидан,  
Сен ҳам элсан бунда, бирикиб турсанг,  
Не иш келар у аҳмоқнинг қўлидан?!

Қараманглар бунда баланд-пастига,  
Қайда бўлса, босиб боринг устига,  
Сира қайтманг, бозордаги халойиқ,  
Тушинг энди Маматкарим қасдига.

Қайси самоварда бўлса кўришлар,  
Босиб бориб, уни бойлаб олинглар,  
Ўлгудай қип баччагарни уринглар,  
Бундан буён келмасдайин қилинглар...

Мингбоши бу сўзларни ўзи айтиб, ўзи қолди, халойиқдан ҳеч кимнинг бу билан иши бўлмади, камбағалдан бир одам, нима дейсан, демади. Бир нечалар Мулла Рўзининг гапига кулиб: «Полвон келса, барингни ҳам нес-нобуд қилиб йўқ қилар. Маматкарим аҳмоқ, тентак одам эмас, бир нарсани билганидан, камбағалга ичи ачиганидан, бир яхшиликни кутганидан бу ишларни қилиб юргандай кўри-

нади. Илгарилари ҳам шу Маматкарим полвон эди, зўр бўлган билан кимга азоб берган эди? Уз бечорачилиги билан юрган одам эди»,— дейди. Ҳар самоварда тўп-тўп бўлиб, шу гапни гапириб ётди.

Маматкарим кўп одам билан бир самоварда ўтириб эди. Мулла Рўзининг гапини эшитди. Мулла Рўзига қаратиб: «Нима деб ҳуряпсан, сен кучук»,— деб ўрнидан сачраб турди. Аччиғланиб, бойловли турган бир отни минмоқчи бўлиб интилди. Самоварда бирга ўтирган одамлар ҳам ҳаммаси ўрнидан турди. Маматкарим отнинг белига миниб, нордай чирпиниб, отга шиддат берди. Мулла Рўзи турганидан қочмоқни қулай билиб, отини йўлга бурди. Маматкарим бу сўзларни айтиб, одамларнинг ораси билан, Мулла Рўзига қараб бораётир:

Сўраб келса, сен гуноҳкор баччағар,  
Юртни тоза ғалвир қилдинг, муқаррар,  
Ҳаммани кемириб, сен ода қилдинг,  
Агар етсам, энди ўлдинг уккағар.

Халқни единг, сенинг кунинг тўлибди,  
Сенинг ўлар вақтинг яқин келибди.

Қўлга тушсанг, жигар-бағринг доғлатиб,  
Уйда турган ўғил-қизинг йиғлатиб,  
Қавму қариндошинг сени чувлатиб,  
Кўнглим тинсин, камбағални қувнатиб.

Мулла Рўзи шундай бурилиб қаради,  
Оловдай туташиб Полвон келади,  
Энди дучор бўлса тайин ўлади,  
Отин қичаб бундан қочиб жўнади.

Ақли шошиб Рўзи мингбоши қочиб,  
Маматкарим отга қамчини босиб,  
Қувиб бораётир Полвон кейнидан,  
Ғазаб билан борар ғайрати тошиб.

«Қиста»,— дейди Рўзи йигитларига,  
Бари қамчи берар минган отига,  
Мингбоши, йигити қочиб боради,  
Туролмас Полвоннинг сиёсатиға.

Маматқарим шиддат қилар отига,  
Оти чўбир, етмади мингбошига,  
Отга аччиқ қамчи чотиб боради,  
Ҳамма қойил Полвоннинг ғайратига.

Маматқарим айтар:— Тўхта, турабор!  
Боладай қочмоғинг уят, амалдор!  
Тўхтаб тургин, сенга бироз иш чиқди,  
Ишим кўрсанг, дунё бўлар сенга тор!

Полвон қувиб отин жуда ҳоритди,  
Мулла Рўзи тоза кўринмай кетди.  
Шу замонда кўринг Килданга етди.  
Кўп одам Полвонни излаб боради,  
Маматқарим отнинг жиловин тортди.

Халқ ҳаммаси Полвон билан бирга бўлган. Маматқарим деса, қайтмайди тикилган ёвдан. Полвоннинг минган оти ёмон чўбир эди, қичаган билан мингбошининг отига етолмай: «Баринг ҳам қўлга тушасан, қилмишинга яраша кўрасан»,— деб бозор қараб қайтди. «Полвон ёлғиз кетди»,— деб изидан кўп халқ тўсат-тўсат, тўп-тўп бўлиб келяпти. Бозор сийраксиб<sup>1</sup> қолди. Одамлар Маматқаримни кўриб тўхтаб, миннатдорлик билдириб, иззат-ҳурмат қилиб, йўл берди. Полвон илгари ўтиб, одамлар кейнидан эргашиб бозорга қараб кела берди. Йўлда одамлар бир-бирига гапириб боряпти: «Уккағар мингбоши, ёнидаги йигитлари бизни кўрганда, бошинг-кўзинг демай қамчи чотади, Маматқаримга тўғри бўлмай<sup>2</sup>, ё писиб ётади, ё орқа бетига қарамай қочади. Қўлга тушганда ўзи ҳам қизиқ бўлиб қолар эди, насибасига лойиғини кўрар эди». Бу сўзларни бир-бирига гапириб, бариси бозорга кириб келди. Қорақалпоқ уруғининг бадавлат одамлари Маматқаримнинг қошига келиб, насиҳат қилган киши бўлиб бир сўз айтиб турган экан:

Маматқарим! Ўзинг полвон, зўрабор,  
Мулла Рўзи элида обрўйи бор.  
Биз Қоралпоқ<sup>3</sup>, умар Қирқу Юз бўлар,  
Сени бетимизга кўп таъна қилар.

<sup>1</sup> Сийракланиб.

<sup>2</sup> Рўпара келмай.

<sup>3</sup> Қорақалпоқ.

Бу ишингга эл каттаси уялар,  
Болам, сенга бундай ишлар на даркор?!  
Қўлга тушиб, бунда уруш бошлама,  
Биров ўлиб, биров бўлар ярадор.

Қирқу Юз ҳам тоғу тошни жойлаган,  
Хабар берса, билгин, йиғилиб келар,  
Уруғлашса, унда ҳам сендай одам бор,  
Юрт бузилиб, бир қабоҳат иш бўлар.

Болам, бузуқчилик ишни қилмагин,  
Доим ёмон йўлни излаб юрмагин,  
Бу ишларни сен мартаба билмагин,  
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,  
Насиҳатим шудир сенга бу замон,  
Мундайғачоқ<sup>1</sup> манманликни ташлагин  
Бойни, амалдорни ҳеч чет кўрмагин.

Кўнглингда изладинг мудом савашди,  
Бошингга кўтариб бир оғир тошди,  
Ҳали ҳам ўйлагин, яхши гап бўлди  
Мулла Рўзи турмай бу ердан қочди.

Остингга минибсан ёмон чўбирди  
Тулки қувгандайин сенга не бўлди?  
Биз билан бирга бўл, мин яхши отни,  
Бойлар сенга маслаҳатни кўрсатди.

Бойлар сўйлар бунда ўз нафин ўйлаб,  
Ўзига фойдани кўнглига жойлаб.  
Маматкарим турур қулоғин солиб,  
Насиҳат сўзини кўнглига олиб,

Камбағал жўраси қошига келиб,  
Бирикиб қолганлар, Полвондир ғолиб.  
Бойларнинг сўзини ҳаммаси билди,  
Оғир олиб, барин кўнгли тингилди.

Бойлар сўзини тамом қилганча, Маматкарим ҳеч нима  
демай, бировини қайтармай, индамай турди. Билганича

---

<sup>1</sup> Бундайин.

ўйлаб, Маматкарим:— Насиҳат айтиб бўлдингларми? Бу насиҳатингга мешкопдан бир коса сув олиб ичгин. Бундай насиҳатларга қулоғимиз тўлиб кетди. Сен менинг гамимни ема, менга меҳрибонлик қилма! Сен мени йўлга солалмайсан, менинг ақлимни ҳам ололмайсан,— деб бойларга қараб бир сўз айтиб турибди:

Яхши кўриб менга насиҳат берма,  
Катта бойлар, сен ҳам йўлингдан қолма!  
Аҳмоқ сўзни менга эплаб гапирдинг,  
Йўл топмайин юрган одаминг борма?

Мен бойларнинг ишин яхши биламан,  
Сенга эмас, йўқларга қайишаман,  
Мен эмас, йўл толмай адашиб юрган,  
Юрар йўлни сендан зиёд биламан.

Бойлар қачон йўққа ёрдамчи бўлган?!  
Камбағалга мудом зарб қилиб келган.  
Бу сўзимни ўйла, бунда йўқ ёлғон,  
Йўқнинг меҳнатидан омборинг тўлган.

Биламан, камбағал олдингда ночор,  
Йўқлик кунда бари бўлиб хизматкор.  
Камбағални қачон сен яхши кўрдинг?  
Бир илиқ сўз қайсисига гапирдинг?!  
Қачон меҳнаткашнинг кўнглин тўлдирдинг?  
Буларни ишлатиб, даврингни сурдинг!

Сен ўйлайсан Қирқ билан Юз бизга ёв,  
Улар отлиқ, бизлар яланғоч, яёв,  
Хабар борса Қирқ билан Юз элатга,  
Йўқлар солар сенинг йўлингга зўр ғов.

Қўнғирот, Қирқ, Юз, Қорақалпоқ — бир элат,  
Ёвлаб келар деган сўзинг туб ғалат.  
Меҳнаткаш ҳар ерда бизга оғайни,  
Шулар билан Полвон мудом саломат.  
Билсанг агар сенинг навбатинг ўтар,  
Меҳнаткашнинг юрагидан чер кетар.  
Йўқ-юқани қачонгача хўрлайсан!  
Камбағалга яхши кунлар ҳам етар!

Бу сўзни Маматкаримдан эшитиб, бойлар бир-бирига қараб ранги ўчиб, хаёли қочиб, Маматкаримдан тингилиб, умидини узиб, битта-битта бозорга кириб кетди.

Бунинг гапида ҳам бир ҳикмат бор. Узоқ йўл, эмиш-эмиш<sup>1</sup>; ҳар кимдан ҳар турли гап қулоғимизга тегеди: «Уруш қаттиқ бўлиб, Оқпошшонинг қуввати кетиб қолган эмиш»,— деб ҳам гапирди. Халқнинг оғзида «Хуррият бўлар эмиш»,— деб ҳам гапирди. «Бу жувонмарг Маматкарим кўп юртни айланиб юради, ён ёқда, ҳар ерда одами бор, билгич одамлар билан гаплашиб, шундай қилиб юрганмикин»,— деб бойлар ўз-ўзи билан гаплашади.

Кун кеч бўлиб, ҳамма бозордан қайтди. Маматкарим уйига қайтмоқчи бўлди. Жўралари уйига юбормай, «Бугун ётиб, эртан борасиз-да»,— деб бирга олиб кетди. Маматкарим шу кеча Қуёнчи қишлоғида меҳмон бўлиб ётди. Меҳмонхона тўлиб, тонг отгунча, ҳар қайсиси билганини гапириб суҳбат бўлиб, тонг отди, бари хўшлашиб уй-уйига қайтди.

Йўлда ишлаб ётган, Маматкаримни танимаган одамлар Оқтепада бўлган гапни гапириб ётибди: «Юрагингга балли шоввоз. Мингбоши бойлаб қамаган одамнинг барини бўшатиб юборди. Мингбошилар ўзимиздан бир гапни сўраса, бўғинимиз бўшаб, гапиролмай қоламиз. Бир одамни урмайсўкмай бозорни алғов-далғов қилиб юборди. Туятортар мингбошиси туролмай бозордан қочиб кетди. Шундай бўлса ҳам, сира ҳавоси йўқ. Бозорда кўрсангиз, сатта камбағал, қашшоқ — шундайча одамлар билан бирга ўтиради. Бир хил одамнинг шунча қуввати бўлса, гапирмак тугур, кўп одамни оёғи билан кўрсатади». Буни йўл устида ишлаб ётган одамлар гапириб ётди. Маматкарим эшитиб: «Ҳеч нимадан хабари йўқ, дунёга келиб, бир шу меҳнатни кўриб ётган одамлар-да»,— деб ўтиб кетди.

\* \* \*

Маматкаримнинг қилган ишларига амалдорлар, бойлар чидай олмай: «Бунинг ҳисоби нима бўлади»,— деб маслаҳат қилар эди. Бу аламзадалар неча кун ўй ўйлаб, ҳар уруққа, давлатли кишиларга ҳар даҳада бўлган қози, мингбошиларга, Самарқанд шаҳрига кўнгли чопган одамига хабар юборди. Бир нечасига одам, бир нечасига хат. «Маматкарим элда турса, ҳеч қайсимизга омонлик бермайди. Бу,

<sup>1</sup> Мишмиш.

агар отаси бўлса ҳам раъя қилмайди. Бу, мудом камбағал дейди. Шуларнинг тили бўлиб гапиради. Ҳозир булар бош қўшиб бириккани йўқ. Меҳнаткаш одамлар ҳам буни орқа қилиб, шунинг гапини маъқул қилиб, орқасини томга бериб қолди. Бунга илож топмасак, тинчимаймиз»,— деб Жомбойдан узоқ бир ерга йиғиладиган бўлиб хабарни жўнатди.

Орадан ҳафта-ўн кун ўтди, ваъда қилган еридан бир жойни ораста қилиб, қўй сўйиб, мой-гуруч ғамлаб турди. Хабар қилган одамлари келаяпти, келгани соп маслаҳатбоши қўнаяпти. Неча мингбоши, тўрт қози, шаҳардан қанча бойлар, ўнта саллот билан пристав бари йиғилди, ҳаммаси жам бўлди. Шунда бири-биридан сўраб, биров-бировига қараб ҳукм қилиб бир нима айтолмай турибди. Айтолмаганининг маъноси: маслаҳатнинг ичида Маматкаримнинг тоғаси — мингбоши, Усмон қози қариндоши ҳам бир ерда қўнгиши. Шундай қилиб, бир-бирига гап ташлаб турибди. Шунда қози Абдусаттор бир сўз айтиб турибди:

Маматкарим дединг, қилдинг маломат,  
Сизларга солибди турли аломат.  
Ёқмадими Маматкаримнинг иши?  
Қани беринг, Усмон қози, маслаҳат!

Чўроғаси, сизсиз элнинг оғаси,  
Сиз бўласиз Маматкарим тоғаси,  
Юриш-туришини яхши биласиз,  
Нима бўлар бу бадбахтнинг чораси?

Маматкарим ўсал ишларни қилган,  
Ҳаммангизга изза, уқубат берган,  
Аҳмад чўроғаси беринг маслаҳат,  
Энди ўйлаган гапингиз қандай бўлган?

Ёмон одам кетсин юртма-юрт ошиб,  
Эли-халқи, қариндошдан адашиб,  
Ҳаммамизни бетинч қилди бу қурғур,  
Дуч келган давлатманд қолгандир шошиб.

Маматкарим полвон дейди, биламиз,  
Мамлакатдан уни жудо қиламиз.  
Нима десанг энди айтганинг бўлсин  
Чўроғаси сиздан сўраб турамиз.

Икки қўлин танғиб кейнига бойлаб,  
Саллотлар чиқарсин юртидан ҳайдаб,  
Чўроғаси сиздан сўраб турамиз,  
Полвон юрсин бўлак юртларни жойлаб.

Биздан қолмас Маматкарим саломат,  
Рўзғорига бўлар бунда қиёмат.  
Катта-кичик бунда ўтирган жамоат,  
Яхши ўйлаб жавоб беринг, маслаҳат,

деб сўраб турибди. Бу сўзни эшитиб, Аҳмад чўроғаси бир сўз айтиб турибди:

Маматкарим деса бағрим эзилар,  
Хафалиқдан кўздан ёшим тизилар.  
Бўлақлардан зиёд иззаси ўтди,  
Оқшомлар ўйласам, кўнглим бузилар.

Сўз сўйласам, сўзга қулоқ солмади,  
Ўзбошимча, қулоғига олмади.  
Амалдорга, бойга изза беради,  
Ўз йўлидан сира энди қолмади.

Бизлар бўлдик шу балога гирифтор,  
Юртма-юрт огишиб кетсин дарбадар.  
Бу ерда ҳеч кимга омон бермайди,  
Кетсин бундай жиян, бизга не даркор.

Чўроғаси айтган сўзи шу бўлар,  
Энди қозим ўзингизда ихтиёр.

Неча саллот приставга хизматкор,  
Саллотга буюрди катта амалдор.  
Неча сўзни тайин қилиб жўнатди:  
— Полвонни олиб кел бунда, муқаррар!—

Маматкарим бўлди қаттиқ гуноҳкор,  
Боргандан қўлингга бўлсин гирифтор.  
Шу хизматга ўзинг бўлгансан тайёр,  
Ҳаялламай ҳайдаб келгин, саллотлар,

Саллот жўнаб кетди отини чопиб,  
Милтигини бари эгнига солиб.



Етиб борди Маматкарим уйига,  
Яланғочлаб қилич олди қўлига.  
«Жур»,— дейди Полвонга сиёсат қилиб,  
Маматкарим кўп тушмади<sup>1</sup> тилига.

Саллот бари эҳтиётин қилади,  
Полвонни ўртага олиб жўнади.  
Мард йигит, сўз қотмай кетиб боради,  
Камбағаллар кўриб раҳми келади.

Полвон билмас нелар тушар бошига,  
Ҳайдаб борди амалдорнинг қошига.  
Бойлар, амалдорлар бунда йиғилган,  
Заҳар қотмоқ бўлиб Полвон ошига.

Полвон келди: «Олар ўчин олсин,— деб,  
Қўлга тушдим, нима қилса қилсин,— деб,  
Сесканиб қўрқмайман энди булардан,  
Қўлидан келганин булар қилсин»,— деб.

Маматкарим таваккал қип турди.  
Ўзини жуда ҳам мардликка берди.  
«Не иш бўлса кўрармиз»,— дер азамат,  
Тикилиб нечанинг кайфин учирди.  
Саллотни буюрди энди пристав,  
Бу полвонни маҳкам ерга қамади.

Қози, мингбошилар маслаҳат қилиб, ҳукм чиқармоқчи бўлиб, бир қарорга келолмай, кўп фикр қилиб қолди. Уғри деса, ўғирлаган молининг тайини йўқ; бировга зулм қилган деса, Маматкарим ҳеч кимни урган эмас; бировни ҳақорат қилганини ҳам билмайди, гуноҳи маълум эмас. Айби: амалдорга, бойларга изза беради. Бойларга, амалдорларга қараб, қозилар айтди:— Энди сизларнинг ҳурматларингиз учун Маматкаримни ўн саккиз ойга патназар<sup>2</sup> кесиб, Хўжандга ҳайдаб юборамиз, лекин қамалмайди, Хўжанд боргандан кейин ўз ихтиёрида юради.

Амалдорлар айтди:— Ишнинг кейни бўш келди, бўш келса ҳам, «кун кўрганнинг куни ортиқ»,— дебди, қайтиб келганча тинчиб турармиз.

Қозилар:— Бундан зиёда йўл йўқ, шу ҳам сизларнинг ҳурматларинг,— деб дафтарни ёзиб,— гуноҳқорни ҳайдаб

<sup>1</sup> Тушунмади.

<sup>2</sup> Поднадзор

кел,— деб печни қайтариб ўтирди. Маматкаримни ҳайдаб келиб, панжарадан қозиларга рўпара қилди. Қози дафтарга хат ёзиб, тўрт қози муҳр босиб, Маматкаримга эшиттирди:— Қани Полвон, сиз улуғ кишиларга беодоблик қилганингиз сабабли сизни ўн саккиз ой Хўжандга бориб турмоққа патназар кесиб, ҳукм қилдик.

Мулла Рўзига қараб, Маматкарим жавоб бериб икки оғиз сўз айтаётир:

Мен сўйласам баринг ерга қарайсан,  
Гуноҳкер қип нима гапни сўрайсан?!  
Айта берсам, юрак-бағринг эзилар,  
Улсангчи, шариат урган қозилар!  
Порахўр, элатни единг баччағар,  
Сендайин эшаклар бу юртни сўрар!  
Сўз сўзласам оласанми қиёма,  
Қўлингдан келганин қилгин, аяма!  
Тақдир тортса бундан Хўжанд борарман,  
Насибамни юриб териб оларман.  
Сен тушибсан бунда менинг қасдима,  
Қайтиб келсам не кунларни соларман.  
Ким келса қўлига қараб турасан,  
Меҳнат қилмай, элдан тама қиласан.  
Бойнинг етовидан чиқмайсан ўзинг,  
Баринг ҳам порохўр, элга балосан!  
Камбағаллар оч-яланғоч, меҳнатда,  
Роҳати йўқ, кеча-кундуз кулфатда.  
Меҳнатнинг фойдасин бойлар олади,  
Бойларга ён босиб сен ҳам роҳатда.  
Шариат деб лоф урасан ҳар замон,  
Фатвойинг шу бўлди: «Камбағал ёмон».  
Сен «яхши», бой «яхши», амалдор «яхши»,  
Омон келсам, рангинг қиларман сомон.  
Бошингни мажақлаб яксон этарман,  
Бўйингни суғуриб, кўкка отарман,  
Мард йигитман, тўғри йўлдан қайтмайман,  
Бир кун келар, муродимга етарман.

Пристав қозиларнинг хатини саллотга берди. Маматкаримга сиёсат қилиб, саллотга ҳайдатиб жўнатди.

Қулоқ солинг Маматкарим тилига,  
Ҳозир банди бўлди душман қўлига,

Ҳайдади Полвонни Хўжанд элига,  
Камбағаллар куяр марднинг ҳолига.  
Саллотлар Полвонни олиб жўнади,  
Асли мардда, парво қилмай боради.  
Утиб бораётир қорадарахтдан,  
Нима бўлса, тақдирдан кўради.

Саллотлар ҳайдаб, Растопга<sup>1</sup> олиб келди. Одамлар Маматкаримни кўргани келади, саллотлар гаплашгани қўймайди. Саллотлар Полвонни ўраб, поездга солиб, жўралари билан Маматкарим хўшлашиб, жўнаб кетди. Чошка қўлиб, кун ёйилган вақтда Хўжандга келиб, поезддан тушириб, Хўжанд шаҳрига равона бўлди.

Саллотлар Маматкаримни ҳайдаб, приставхонага олиб борди. Қозининг хати билан Полвонни праставга топшириб, топширганига хат олиб, саллотлар қайтди. Пристав бир одам билан Полвонни мингбошига жўнатди.

Мингбоши хатни ўқиб кўриб, Маматкарим билан бироз гаплашиб:— Илгари ҳам Хўжандга келибмидингиз, ҳеч кимни танийсизми?— деб сўради. Маматкарим айтди:— Йигитлик, илгари томоша қилгани бирди-ярим келганман, бир-икки одам билан ҳамсуҳбат бўлганман.

Мингбоши:— Илгари келган бўлсангиз яхши экан. Кўрмаса, ҳеч кимни танимаса, ким билан ҳамгап бўларини билмаса, одамнинг диққатлиги ошиб кетади. Биз сизни қамамаймиз, сизга жавоб берамиз, Хўжандда юрасиз, бошқа ерга кетиб қолмайсиз, ҳар ўн беш кунда бир келиб, бизга учраб турасиз,— деб Полвонни ўз ихтиёрига қўйди.

Маматкарим мингбошига бир сўз айтиб турибди:

Азоб кўрди ширин жоним бу танда,  
Душманнинг қўлида бўлмай шарманда.  
Қилган гуноҳим йўқ, агар билсангиз,  
Тухмат билан ҳайдалиб келганман бунда.  
Гангимасин мендай мардларнинг боши,  
Ғам тортганнинг оқар кўзидан ёши.  
Хиёнат ишларни асло қилмайман,  
Сўзимга ишонинг, турган мингбоши.  
Биз турармиз энди бунда — Хўжандда,  
Ўн беш кунда бир келамиз, албатта.

<sup>1</sup> Ростовцево (ҳозирги Красногвардейская) станцияси.

Қачон йўқласангиз ҳозир бўламиз,  
Бир тилагим — қолмагайман кулфатда.

Маматкарим бу мингбошининг қошидан чиқиб, «хў-  
жандли жўраларимни топиб олайин»,— деб шаҳарни оралаб бора берди.

Хўжанд ҳам бир ширин жой. Атрофи тоғ, дарёнинг бўйи, ери мевазор боғ.

Сайр этсанг ярашар, келгандир баҳор,  
Яқинда кўринар лолазор тоғлар.  
Чўлларда, тоғларда гулу гулзорлар,  
Одамнинг баҳриши шамоли очар.

Баҳорда томоша қилгани Хўжанд,  
Ҳар элнинг сайронга келгани Хўжанд.  
Баҳрали жойлари кўпдир бу ернинг,  
Тотли меваларнинг макони Хўжанд.

Полвонга қадрдон, билсанг, бу шаҳар,  
Хўжанд келса, кўнгли бўлгандир баҳор.  
Бунда бордир қадрдони, сирдоши,  
Маматкарим кўнглин тоғдек кўтарар.

Полвон шаҳарни оралаб: «Жўраларимни топиб олсам, суҳбат қилиб бу ердаги аҳволни билсам, эндиги ишни ҳам маслаҳат билан қилсам»,— деб бир самоварга бориб ўтирди.

Хўжандда Маматкарим билан гап сўзи бир бўлиб юрган одамлардан Мурод, кўчадан ўтиб кетаётиб эди, Полвонга кўзи тушди. Кўзига иссиқ кўриниб, тағи бурилиб қаради. Маматкарим эканини аниқ билиб, қайтиб келди. Маматкарим ҳам таниб, ўрнидан туриб, иккови қучоқлашиб кўришиб, сўрашиб қолди. Самовардаги одамлар: «Меҳмон билан Мурод қадрдон экан»,— деб қарашиб қолди. Шу куни ундан — у, бундан — бу эшитиб, Маматкаримнинг жўраларидан беш-тўрттаси келишиб, йиғилишиб қолди. Кун қайтганча булар самоварда гурунглашиб ўтирди. Кун қайтгандан кейин, Полвонни жўралари ўз мазгилига олиб кетди. Шунда Полвоннинг улфатлари дўстининг димоғини чоғлаб, ҳол-аҳвол сўраб турибди:

Хабар беринг юрган йўлдан, биродар,  
Самарқандда, сизнинг элда не гап бор?

Кўз тутиб юрамиз Хўжанддай элга,  
Яхшилик бўлар деб, қараймиз йўлга.

Пошшодан кетганмиш куч билан қувват,  
Сизнинг элда нима гап, не маслаҳат?  
Бирга бўлсак, эл бирикса, бир бўлса,  
Биз ўйлаймиз, бўшга кетмас ҳаракат.

Биз айтамиз бой замон йўқ бўлар,— деб,  
Зулм қилган ғариб бўлиб ўлар,— деб,  
Ғайрат қилсак насиб бўлар яхшилик,  
Камбағаллар хушвақт бўлиб қолар,— деб.  
Хабар беринг, Полвон, элда не гап бор?

Илгари неча бор Хўжанд келдингиз.  
Кўп оралаб элу халқни кўрдингиз,  
Бизлар билан қадрдон бўп қолдингиз,  
Яна бу жойларда бирга бўлдингиз.  
Хабар беринг, мамлакатда не гап бор?

Сизни ҳам ҳайдабди у бойлар золим,  
Сизни кўриб жўш уради хаёлим,  
Гоҳи вақтлар дилтанг бўлар аҳволим,  
Хабар беринг, Полвон, элда не гап бор?

Маматкарим жўраларига Самарқанд бетдаги халқнинг аҳволини, ўзининг қилган баъзи ишларини айтиб:— Нима бўлса ҳам бирикиб, биров-бировимиздан хабардор бўлиб, қабатимизга одамни кўпайтириб, қилиб юрган ҳаракатимизни кенгайтириб турайик. Мени патназар қилиб ҳукм чиқаргандан кейин саллот ўраб, бирга юрган жўраларимни қошимга йўлатмай, гаплашгани қўймай, поездга солди. Бирикки кундан кейин биздан хабар олгани одам ҳам келиб қолар. Мен энди станцияга бориб, кўрадиган одамларни кўриб, улар билан маслаҳат қилиб қайтаман. Нима яхшилик хабар бўлса, юқоридан келар, ишнинг боришини аниқ билиб, шунга қараб иш кўрамиз,— деди. Шунда булар бир-бири билан хўшлашиб:— Шодиёна кунлар тезроқ келсин-да,— деб, ҳар қайсиси ўз ишига кетди. Маматкарим Мурод билан станцияга жўнади.

\* \* \*

Кун кеч бўлди энди, бу ерда ётди.  
Эрта-мерган кунлар чиқиб, тонг отди,

Жўралари билан мазгилидан кетди.  
Хўжанднинг шаҳридан оралаб ўтди.

Кўзи тушиб бунда неча кишига,  
Назар солар халойиқнинг ишига....  
Бой кўринса, булар кўнглида тараф,  
Салом бермай ўтар олоғиб қараб,—

Шуйтиб юриш қилди энди узоққа,  
Сир ёқалаб бу ўтирган қозоққа —  
Сирдарё ёқалаб бу замон кетди,  
Бешариқ устига бир кун итди.

Томошаман бир кун Қўқонга бориб,  
Қўқонда ҳам ёру жўра орттириб,  
Неча жойда камбағалман ўтирди,  
Сўзлашиб, уларнинг кўнглини билди.

Муддаоси шулдир — бойларга тараф,  
Қулоқ солиб ётир юқори қараб...  
Неча вақт айланиб бунда Қўқонга,  
Бир кун чиқиб кетди у Андижонга.

Маматкарим элу халқни кўради,  
Неча кунлар Андижонда юради.  
Андижон баҳорли бир яхши жойди(р),  
Одам кўрса, ҳеч кетгиси келмайди...

Маматкарим Андижон теварагини айланиб, ўзидай ҳамма одамлар билан сирдош бўлиб, билди — Фарғона мамлакатда ҳамманинг кўнглида шу [норозилик] гап. Энди бурунгидан ҳам қувватланиб кетди. Энди тоғ оралаб, қирғиз элларини ҳам қўниб ўтди, қирғизнинг кўнглидаги гапларини билиб кетди. «Ҳамма халқнинг кўнгли менинг кўнглимдагидек экан», деб боряпти.

Маматкарим жўралари билан гоҳ поездда, гоҳ пиёда [юриб] неча одамга учрашиб, неча вақт юрди, уч ярим ой деганда Хўжандга кириб келди. Неча кун жўраларникида туриб, мингбошининг қошига борди. Мингбоши [рухсат] қоғоз қилиб муҳрлаб берди. Жўралари Полвонни поездга солиб, мазгилига қайтди.

Маматкарим тонг отмай Ростопга келиб, поезддан тушди. Тонг отган сўнг эл-халқдан кўрганлар кўрмаганга хабар қилиб, чошкагача Полвон бунда ўтирди...

Халқ йиғилиб Маматкарим қошига,  
Келиб барча бу полвонни кўради.  
Қадрдонлар жуда иззат қилади.  
Отлантириб Маматкарим полвонни,  
Шу замон уйига олиб жўнади.

«Маматкарим омон-эсон келди», деб,  
Элу халққа хўп овоза бўлади.  
Бу халқдан эшитиб Абсаттор махсум,  
Шу полвонга ҳукм кўрсатган ул кун,

«Келган бўлса ишни худо урди», деб,  
«Бурунгидан энди ёмон бўлди», деб,  
Панжакентга бу ҳам қочиб жўнади.  
Маматкарим рўзгорининг тўраси,  
Самарқандга қочиб кетди тоғаси....

Шунда Маматкаримнинг энаси бу сўзни айтди:

Сенга куяр танда жоним,  
Маматкарим меҳрибоним,  
Қаерларга бориб келдинг  
Банди бўлган сен ўғлоним?

Йиғлаб қолдим уйда бўзлаб,  
Боролмадим сени излаб,  
Қайда бординг меҳрибоним?  
Бундай ишлар бағринг тузлаб?<sup>1</sup>

Сендан садақа бу энанг,  
Уртаниб куйгандир танам,  
Қаерларга бординг болам?  
Чўл бўлгандир кулба-хонам.

Сенсан қўзим менга дармон,  
Сен кетган сўнг менга тушди,  
Юрагимда турли армон.  
Кеча-кундуз сени йўқлаб,  
Аҳволима мен йиғларман.

Мен қолдим сендан айрилиб,  
Душманларга кулгу бўлиб,  
Қайтадан келди давлатим,

---

<sup>1</sup> Тузлабди.

Сенсан суянган фарзандим,  
Сенинг орқангдан роҳатим,  
Жону дилим азаматим.  
Бу бошимдан кўтарилди  
Қайғу, ғам билан кулфатим.  
Бир иш қилди сенга душман,  
Сендан мен топмадим нишон,  
Қарс уриб қилдим пушаймон,  
Энди мен ҳам шукур қилай,  
Келдинг, болам, эсон-омон.

Маматкаримни кўриб, қошидаги қариндошлари ҳам келиб, бир-бирининг ҳолини сўраб турди. Усмон қози, яқин қариндоши, билса ҳам билмаган киши бўлиб, отланиб бу ҳам Самарқанд кетди.

Маматкаримнинг қошида одам тўлиб, гаплашиб ўтирибди. Бир нечаси айтади:— Полвон, яқинда бир гап эшитдик, одамлар «инқилоб деган нарса бўлармиш» дейди. У не деган сўз, сиз биласизми?— деб сўраб ўтирур. Полвон айтди:— Маънисини билмасангиз, бизнинг излаб турган мақсадимиз шу, бизнинг кўнглимиздаги гап-да. Бойлар, амалдорлар халқни оёқ ости қилиб, янчиб келаётган кишилар бизга душман,— деб гаплашиб ўтириб, одамлар ҳам қайтди.

Маматкарим кечқурун уйида, кундуз кунни Жомбойнинг сарбозорида бўлиб, Полвонни кўргани ҳар ердан одамлар келиб, маслаҳатини қилиб юра берди.

Маматкаримнинг амалдор қариндошлари эл оёғи тинганда бир ерга йиғилиб, Абдулла бой [лақаби] Абдулла тен-так деганни ҳам чақириб келиб, Усмон қози:— Эндиги маслаҳат шундай бўлсин,— деб бир сўз айтиб турибди:

Абдулла бой қулоқ солгин тилима,  
Тулки, шақал кўрса, йиғлар ҳолингга,  
Чиқолмайсан у қургурнинг йўлига,  
Бир йўлиқиб, тушиб қолма қўлига.  
Шу кунда маслаҳат боши бўлибди,  
Бойларнинг қасдида хизмат қилибди,  
Шундай сўйлаб самоварда турибди,  
Ҳамма одам айтганига кўнибди.  
Энди бунга шундай ишни қилайик,  
Қон қуяр тўрт одам топиб олайик,  
Пул сўраса, аямайик, берайик,  
Бу гапни билмасин ўзга халойиқ.



Кўнглига келганни халққа айтади,  
Кеч бўлганда мазгилига қайтади.  
Эл оёғи тиниб, одамлар ётса,  
Мерган бўп шу вақти кўзласа, отса.

Шундай қилиб, билмаганин билдириб,  
Кеч бўлганда қайтса, отиб ўлдириб,  
Ўлиги бе эга бу йўлда қолиб,  
Қариндош баримиз бир оғиз бўлиб,  
Ўзимиз турайик билмаган бўлиб,  
Маслаҳат шу, чиқармагин оғзингдан!  
Маслаҳатни шундай бир ерга қўйди,  
Неча кун бариси ўйлашиб кўрди,  
Бегона ерлардан тўрт одам топди,  
Улар қанча пул-дунё олипти  
Неча кун йўлини онгниб турибди.  
Икки пахса дувол борди йўлида,  
Дуволни паналаб, онгниб юрибди.

Маматкарим халойиққа сўз айтди,  
Эл ётар-хуфтонда Жомбайдан қайтди.  
Беғам, яёв келаётган йўлида,  
Тўрттови ҳам милтиғини тиклатди,  
Шу замонда милтиғини бўшатди.  
Яшиндай бўп ўқи Полвонга етди,  
Ўқи бу Полвондан туйраб ўтди.  
Армон билан энди йўлда йиқитди,  
Ҳеч кимга кўринмай отган кишилар,  
Булар ўз мазгилига қараб кетди.

Эрта-мерган кўриб қолди одамлар,  
Кўрса Маматкарим ўлиб ётибди.

Хабар етди бунинг эналарига,  
Бир чинқириб йиглаб келди энаси,  
Кўрса, йўлда ўлиб ётир боласи.

Болам, деб тўкади кўздан ёшини,  
Бир бераҳм отган шундай кишини.  
Чинқириб-чиқариб бунда довшини,  
Йиғиб олиб барча қариндошини.

Ҳамма йиғилиб, кимдан кўрарини билмай, барча халқ  
афсус еб, ўлигини уйига олиб бориб, иззатини улуғ қилиб  
кўмди.